



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 17 апрель, чоршанба

№30 (11.418)

Эркин нарҳда сотилади

Янгилик

ХИТОЙЛИКЛАР ҒАРБГА ТОШКЕНТ ОРҚАЛИ УЧАДИ

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси билан Хитой Халқ Республикасининг “Синцзян” авиакомпанияси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” бош директори Арслон Рўзиметов ва “Синцзян” президенти Жао Люян имзо чеқан мазкур ҳужжатга мувофиқ, авиакомпаниялар йўловчи ташиш, самолёт таъмирлаш ва кадрлар тайёрлаш каби йўналишларда ҳамкорлик қилади. “Синцзян”нинг бош қароргоҳи Хитойнинг Урумчи шаҳрида жойлашган бўлиб, компания ушбу мамлакатнинг 69 вилояти орасида ҳаво қатнови йўлга қўйган. Шунингдек, авиакомпания баъзи МДХ мамлакатлари ва Жануби-шарқий Осиё давлатлари ҳам

йўловчи ташийд. Янги имзоланган ҳужжатга биноан ёз ойларида бошлаб, “Синцзян” авиакомпанияси Урумчи-Тошкент-Урумчи йўналишида йўловчиларнинг транзит қатнови йўлга қўйди. Ўз навбатида “Ўзбекистон ҳаво йўллари” компанияси Хитойдан келган йўловчиларни Ғарбий Европа ва Шимолий Америка мамлакатларига етказди. Шунингдек, Хитой авиакомпаниясининг Ғарб мамлакатларида ишлаб чиқарилган ҳаво кемаларини Ўзбекистонда таъмирлашга келишиб олинди.

Ў.А.

Матбуот анжумани

ЕТТИНЧИ МАРТА ЎТКАЗИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида «Соғлиқни сақлаш»-ТНЭ 2002 анъанавий 7-Тошкент халқаро кўргазмасининг очилишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ушбу кўргазма намойиши 23-25 апрель кунлари «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида бўлиб ўтади. Унда АКШ, Германия, Франция, Швейцария, Исроил, Россия каби 30 дан ортқ хорижий мамлакатлар фирма ва компаниялари ўзларининг маҳсулотлари билан иштирок этидилар. Кўргазмада таъшиш кўйиш, рентген, ультратовуш, компьютер томографияси, лаборатория жиҳозлари, тез тиббий ёрдам кўрсатиш, жарроҳлик ҳамда бошқа амаллар учун зарур бўлган асбоб-ускуналар

кент намойиш қилинади. Шу куни бу ерга ташриф бурюрганларга юқори малакали мутахассислар янги тиббиёт технологиялари ва жиҳозларидан қандайд фойдаланиш тўғрисида маълумотлар берадилар. Кўргазма нафақат соғлиқни сақлаш тизимида меҳнат қилаётганлар, балки мазкур тизим микёсида иш олиб бораётган ишбилармонларда ҳам катта қизиқиш уйғотиши табиий. Чунки, улар бу ерда ўзлари учун янги-янги ҳамкорлар топиш имкониятига эга бўладилар.

Ақбар АЛЛАМУРОВОВ.

Вилоят ҳокимлигида

ЯНГИ РЕЖАЛАР ОЛДИДА

Тошкент вилоят ҳокимлиги қурилиш, уй-жой ва коммуникация масалалари бўйича мажмуасининг ййгилиши бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокимлиги қурилиш ва гуруҳ раҳбарлари, бошқармалар бошлиқлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг қурилиш, уй-жой ва коммуникация масалалари бўйича ўринбосарлари, бюртмачилар, лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этиди. Ййгилиши вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Хамидулла Асатов бошқарди.

Қурилиш ташкилотлари ва корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятининг 2002 йил биринчи чорак якуналари ва иқтисодий исло-

хотларнинг бориши, вилоят туманларида кишлоқ инфратузилмасини ривожландириш дастурининг биринчи чоракда бажарилиши ва 2002 йилги режалар билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Ййгилиш иштирокчилари вилоятда капитал қурилиш, бу ишларни молиялаштиришнинг аҳолининг таҳлил қилиб чиқиши, соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди. Ййгилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу куннинг вазифаси

ЯНА БИР ЗҲР БЕРИЛСА

Вилоятимиз хўжалиқларида чигит экиш муваффақиятли яқунланади



Бу йилги чигит экиш мавсумига пухта режа асосида киришилди. Плёнка остига март ойидан ўтказмай, очиқ майдонларга эса, 15 апрелгача экиб бўлиш қатий мақсад қилиб қўйилганди. Афсуски, сурункали ёмғир мавжуд барча куч ва имкониятларни тўла сафарбар этишга ҳалал бериб, ишни бироз орқага сурди.

78,9 фоиз майдонга уруғ қадалди. Эндиги вазифа 20 апрелдан кечиктирмай, экиш мавсумини яқунлашдан иборат. Бунинг учун мавжуд барча сеялқаларни далаларга олиб чиқиш ва юксак унум билан ишлатиш чораларини қўриш зарур. Айниқса, Қўйичирчиқ, Покент, Оққўрғон ва Бўқа туманлари экишни бутун чоралар билан жадаллаштиришлари лозим.

Мутахассисларнинг таъкидлашларига қараганда, ҳозирги ортиқча наамгарчилик айрим майдонларда илдиз чириш касаллигини келтириб чиқариши мумкин. Вунинг олдини олиш учун эса, культиватор ҳамда қатқалоқни юмшатиш восита-

ларини ишга солишга тайёр қилиб қўйиш лозим бўлади. Қолаверса, Покент ва Оққўрғон туманларида 300-1200 гектардан зиёд майдонда чигит юз фоиз униб чиқиб, биринчи ишловни бошлаш имконияти туғилди. Шунингдек, бошқа туманларда ҳам эрта-индин дастлабки култивацияга киришиш мумкин бўлади.

Бир сўз билан айтганда, пахтакорлар учун бутунги долзарб вазифа экишни мумкин қадар тезроқ яқунлаб, униб чиққан ниҳолларни касалланишга йўл қўймастик чораларини қўришдан иборатдир.

**Абдусаммад ЙҮЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

УЛАР ЎҚИШГА ИМТИҲОНСИЗ КИРАДИЛАР

Республика фан олимпиадаларида вилоятимиз вакиллари Ирода Жабборова ва Элдор Содиқовлар голиб бўлишди. Уларнинг иккиси ҳам Бекобод шаҳрининг 2-ва 5-мактабларининг ўқувчиларидир.

И. Жабборова ўзбек тили фани бўйича республикада ўзига тенг келадиغان ўқувчи йўқлиғини исботлади ва олийгоҳга синовларсиз кириш имкониятини берувчи сертификатга эга бўлди. У Жаҳон иқтисодий ва дипло-

матия университетига кириш истаги борлигини билдирди. Э. Содиқов эса, чизмачилик фани бўйича республикада биринчи бўлди. Элдор меъморчилик олийгоҳига ўқишга кирмоқчи.

Ў. мухбиримиз.

«МАРДЛАР ҚҲРИКЛАЙДИ БАТАННИ»

Зангиота тумани ўиничи тармоқ кутубхонасида ўтган тадбир ана шу мавзуда бўлди.

Унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва мактаб ўқувчилари иштирок этидилар.

Тадбирда бугунги кунда ер юзида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, дунёни жумбушга

келтираётган терроризм балоси, унинг оқибатлари ўқувчиларга тушунтирилди ва тинч ҳаётимизнинг қадрига етиш, юртимиз дахлсизлигини сақлашда ёшларнинг ўрни катта эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Ў. мухбиримиз.

ИЖОДКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббусини қўра Қўрай туманида болалар нашрларининг ижодкор журналистлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда Чирчиқ шаҳри ҳамда Зангиота ва Қўрай туманлари мактабларининг ўқувчилари иштирок этидилар. «Ғунча», «Гулхан», «Синфдош» журналлари, «Тонг йулдузи» ва «Туркистон» газеталари ижодкорлари ушбу нашрларда амалга

оширилатган ишлар, ёритилаётган мавзулар, муаммолар ҳақида ўқувчиларга сўзлаб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Ҳаваскор, ижодкор ўқувчилар қўй-қўшиқлар ижро этиб, шеърлар ўқидилар.

Ў. мухбиримиз.

ФЕРМЕРЛАР САРСОН БҮЛМАЙДИ

Покент тумани фермерлари аини экин парварishi вақтида ўғит ишлаб сарсон бўлмайди-ган бўлди.

Тошкент вилоят «Агрохимётаъминот» филиали туман деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси билан ҳамкорликда уларга минерал ўғит етказиб беришни йўлга қўйди.

Туманда бугунги кунда 960та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ихтиёрига салкам беш минг гектар экин майдони бор. Айни кунларда улар минерал ўғитни шартнома асосида бирин-кетин олиб кетмоқда. Утган бир ой

мобайнида фермерларга 395 тонна минерал ўғит тарқатилди. – Бир ярим гектар майдонга чигит эқдим. Унга 600 килограмм минерал ўғит зарур. Уртачирчиқ туманидаги минерал ўғит омборига битта юк машинасини овера қилиб, қачон бориб келаман, деб бошим қотиб юрарди. Бизга қулайлик яратилганини эшитиб, филиалга келдим. Ишим осонгина битди, – дейди Хадича Маматқуллова.

**Н. ДУШАЕВ,
Ў.А мухбири.**



МЕҲР-МУРУВВАТ ГУРУҲИ БЕКОБОДДА

Тошкент вилоят хотин-қизлар қўмитасининг Меҳр-мурувват гуруҳи Бекобод туманида бўлди.

Гуруҳ аъзолари беш «Авангард», «Шоликор», йўналиш бўйича туманининг «Янги ҳаёт», Улугбек номли

рини ўргандилар. Жумладан, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси муовини Мухаббат Шоюсопова бош бўлган гуруҳ аъзолари «Шоликор» ширкат хўжалиги аёллари билан учрашиб, уларнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлдилар. Маълум бўлдики, бу кишлоқ марказида дорихона, кутубхона, матбуот нашрлари дўкони йўқ, ҳатто телефон алоқаси йўлга қўйилмаган.

Вилоят «Соғлом авлод учун» жамғармасининг «Амбуланс» тиббий патронажи аёлларни тиббий қўриқдан ўтказди. Гуруҳ аъзолари кексалар, кўп фарзандли оилаларда бўлиб, мурувват ёрдамларини кўрсатишди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси вилоят ҳокимлиги ижтимоий масалалар мажмуи билан ҳамкорликда ташкил этаётган бу тадбирларнинг энг катта ютуғи шундаки, аёлларимизни қўйнаб келаётган бир қатор муаммолар ва масалалар шу ернинг ўзида ечимини топмоқда.

Зулхумор ЖҲРАЕВА.

ТАДБИРКОРГА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Янгиёул туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси бўлими хайрли ишга қўл урди. Бу ерда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида марказлашган ҳисобхона, ахборот-маслахат маркази ва бизнес-ҳамкор савдо уйи иш бошлади.

– Асосий мақсадимиз тадбиркорларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлашдан иборат, – дейди палатанинг туман бўлими раиси Б.Маҳкамов. – Хусусий тадбиркорларни ҳар хил

ноқонуний текширувлардан сақлаш мақсадида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Яқинда тадбиркорлар А. Олимжонов ва Б. Марамовдан ноқонуний текширув ўтказилгани ҳақида ариза тушди. Палата аралашуви билан бу муаммо ўз вақтида ўрганиб ҳал қилинди.

Бундан ташқари, тадбиркорлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмаганилиги учун банк ва солиқ ишларида бир қатор муаммоларга дуч келмоқда. Шунинг учун палата қошида марказлашган ҳисобхона ташкил этилди. Айни пайтда ҳисобхона 15дан ортқ фирма ва турли маънавий хизмат кўрсатиш уйлари фаолияти билан боғлиқ ишларни юритмоқда. Уларга янада энгиллик яратиш мақсадида бизнес-ҳамкор савдо уйида ўзлари ишлаб чиқараётган ёки сотиб олгани лозим бўлган барча маҳсулотлар савдоси йўлга қўйилди.

Л. СУВОНОВ, Ў.А мухбири.

Экранда – Тошкент вилояти

ГҲЗАЛ БИР ВОҲА...

(Премьерадан кейинги ўйлар)

Ушбу сўзларни ёзиш фикри Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилган ҳужжатли фильм премьерасидан кейин туғилди. Тошкент вилоятининг бугунги кунларига бағишланган ушбу фильм «Ўзбектеlevision» студияси томонидан суратга олинган. У «Гўзал бир воҳа» деб номланди. Сценарий муаллифи – Ғайрат Раҳматуллоев. Режисёр – Шукрат Бизатов. Тасвирчи – Рустам Ҳакимов.

Фильм Республикада Президент И. А. Каримовнинг қуйидаги сўзлари билан бошланади: «Тошкент вилояти деганда, кўз олдимизда Чотқоқ, воҳа намойиш бўлади. Бу бетакрор заминда уч фасли – қиш, баҳор ва ёз манзараларини бир вақтда урватиш мумкин десак, аслб муоблага бўлмайди. Иқлим шароити ҳам, географик ўрни ҳам ана шундай ноёб бўлган бу воҳада яшаётган вилоят халқи ҳақида мен алоҳида тўхталиб ўлмоқчиман. Юздан ортқ миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат

яшаб, меҳнат қилаётган бу маконни кезсангиз, одамларнинг турли тилларда, ранг-баранг шева-ларда сўзлашаётганига гувоҳ бўласиз. Бу юрда мамлакатимизнинг турли жойларига хос хуусоиятлар, урф-одатлар ажойиб бир шаклда муҳасам топган...

(Давоми 2-бетда).



**ТОШКЕНТЛИК ШОИРЛАР
ҲАҚИДА**

Султонмуҳаммад Мутрибий ўзининг «Тазкират ушшуаро» номли асарида ХҲ асрнинг охири ва ХҲ асрнинг бошларида Тошкент вилояти ҳудудида турли табақа вакилларидан етишиб чиққан 15та шоирнинг ҳаёти ҳамда ижодий фаолияти ҳақида маълумот берган, уларнинг асарларидан намуналар келтирган. Бу нодир қўлёзмалар кўҳна Чочнинг ХҲ асрнинг биринчи чорағидаги маданий-адабий муҳитини мукамалроқ идрок этишга ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз.

(Давоми 3-бетда).

ҲАҚИҚИЙ ОНА КИМ?

...Алфусса, бир мейдактада ошчилик бўлиб, очликдан нафақат одамлар, ҳатто гарданга даррандалар ҳам қуриша бошлаган экан.

Уша йили бир қарга бешта бола очган экан. Аммо она-қарга полаларнинг очлик азобидан асрашга ожизлик қилибди. Жони қўзғаш ширин кўринибди-ю, темирканот болчаларини ўз холига ташлаб, очарчиликдан жон сақлаш мақсадига узок юртларга учиб кетибди. Тақдирнинг тақозосини қарагинки, бошқа бир бегона қарга Бенюра полалоларнинг аҳолига ачиниб, уларни бахли-қудрат қўлдан келганча парвариш қила бошлабди. Кун бўйи тиним билмай пир-пир учиб, бирон ушқоқ ё бита-яримта

дон топса ҳам олиб келиб қўшаларга бераверибди. Шу зайлда у кўп машаққатлар чекиб, полалоларни ўлимдан асраб қолди.

Ошчилик даври тугаб, жамки эростлар хослига кирибди, юрда яна меймурчилик даври бошланганди. Шундай кунлардан бирда она қарга учиб келибди-да, полалоларини боқиб парвариш қилган қаргага қараб:

— Бу қўшчалар — менинг болаларим, уларни менга қайтариб беришинг керак! — дебди.

Қўшчаларни очлик азобидан, ўлимдан асраб қолган қарга эса бемехр она-қаргага жавобан бундай дебди:

— Сенга болаларинг керак экан, нега очир дамларда уларни ташлаб қўчиб кетдинг? Мен бу қўшчаларни не

ҳасратда очлик азобидан асраб боқдим, парвариш қила катта қўшча экан. Булар — менинг болаларим, уларни сенга асло бермайман.

Икки қарга ўртасидаги бу босқ ҳафтада тугайвермабди. Улар иккови ҳар куни подшо қасрига учиб келиб, дарвоза бошига кўчиб олиб, бир-бирининг устидан шўхга шикоят қилиб, тинмай қариллашармиш, булун қасрни бошларига кўтариб, айқоноч солишармиш. Аммо подшо бу қаргаларнинг не сабабдан шўхин солаётганини ҳеч тушуна олмабди.

Нижокт, бир кун шўх булун сарой аёёнларини ўз қўшга қорлаб, уларга воявани баён қилибди:

— Қанда ким дарвоза бошида тинимсиз қариллаётган анави икки қар-

валнинг нима дәмқоқи эканини айтиб берса, ўша одамнинг бошидан зарур сочурман... — дебди у.

Аёнлар ўзаро масъақатлашиб, шўх ҳузурига қўшлар тилини билувари бир йилгичи бошлаб келишибди.

— Агар сен, — дебди подшо йилгичга юзланиб, — ҳақиқатдан ҳам қўшлар тилини билсанг, анави қаргаларнинг нима ҳамда мунозарга қилаётганини менга сўзлаб бер.

— Бош устига, шўхин, — дебди йилгич тавзим қилиб.

У ача вақтда қаргаларнинг қариллашига қўшқ солиб туриб, очир шўхга юзланиб шўхдай дебди:

— Ало ҳазратлари, қаранг, анави бир ерда гуж бўлиб ўтирган бешта қарга — полалолар. Уларга яқинроқ

ўтирган қарга эса, қўшаларни боққан энага-қарга. Энди бу ёқда бир ўзи шўхтайиб ўтирган қаргага қаранг. Бу — полалоларнинг онаси. Гап шундаки, ўтган очарчилик йили она-қарга болаларини боқшига иродаси ҳам, оналик меҳри ҳам етмай, узок ўлкаларга учиб кетиб, ўз жонини сақлаган. Шунда полалоларни анави бегона қарга боқиб, уларни ўлимдан асраб қолган. Энди ҳаммаёқ тўкин-очин бўлиб, тўқчилик замони бошланганда, она-қарга қайтиб келиб, энага-қарадан болаларини қайтариб беришини талаб қилмоқда.

Улар сизнинг адрлатли ҳум чикаришиниздан умидворлар: полалолар қайси қарга билан қолдишлари қарак — уларни боқиб катта қилган энага-қарга биланми ёки уларни тўқумдан чикариб, кейин, қийин пайтда ташлаб кетган она-қарга биланми?

Бу гапни эшитган подшо ўз салтанатдаги жамки олиму фузалоларни чақуртириб, уларга масъақат солган:

Ибротнома

— Бегим ҳуммиз бундай — дебди. — Ўз болаларини қийин пайтда ташлаб кетган қаргани ўтган деб, полалоларни очлик пайтда ўлимдан асраб қўрган қаргани уларнинг ҳақиқий онаси деб ҳисобламас экан...

Кўксидан ҳўса шўки, баъзида ўз машшати-ю, ҳўзур-ҳўловатини ўйлаб фарзандалардан воз кечиб кетётганлар ураб туради. Эртани дин фарзандалари катта бўлиб, қўлдан иш келадиган бўлганда худди шулар улардан меҳр-муруват талаб қиладилар. Аммо, унда қўсда-дагидек кен бўлмас экан...

Кумуш **ЭГАМБЕРДИЕВА** тайёрлади.

СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ

СПОРТНИНГ ЎН БИР ТУРИ БЎЙИЧА

22-26 март кунлари Чирчиқ, Олмалиқ шаҳралари, Юқоричирчиқ, Қўйичирчиқ, Зангиота туманларида ўсмилрлар ўртасида «Умид низоғлари» спорт мусобақаларининг бир неча турлари бўйича вилоят саралаш баҳслари бўлиб ўтди.

Ушбу босқичда спортнинг 11 тури бўйича вилоят тарма жамоалари саралаб олинди. 22-апрелдан 3-майга қадар Фарғона вилоятида ўтадиган республика финал баҳсларида вилоятимизнинг 170 нафар спортчи йигит-қизлари иштирок этдилар. **Ўз муҳбиримиз.**

ПЕШҚАДАМ ЎЗГАРДИ



Ўзбекистон XI миллий чемпионатининг олий табақасида иштирок этаётган вилоятимизнинг ҳар икки жамоаси навбатдаги бешинчи тур учрашувида чиройли ўйин кўрсатиб, муҳлисларини ҳурсанд қилдилар. «Дўстлик» жамоаси ўз майдонда андижонлик футболчилар билан баҳс юритди. «Дўстлик майдонда» ҳозирги кундаги асосий таркиби билан ҳаракат қилди.

Бирок танаффусга ҳисоб очилмади. Танаффусдан сўнг эса, ҳужумчилар, ярим ҳимоячилар ва ҳимоячилар меҳмонлар дарвозасини «Ўхқа тута» бошладилар. Ниҳоят 70-дақиқада Денис Гладков ҳисобини очди. Шундан сўнг ҳужумга янада зўр берилди. Николай Моисеевнинг берган зарбаси рақиблар дарвозаси тўсинами тегиб қайтди. Уни Мухтор Курбонов қабул қилиб олиб, узок масофадан дарвозага йўллади ва ҳисобни 2:0га етказди. «Дўстлик» очколар сонини 7га етказиб олди. Вилоятимизнинг иккинчи вакили «Металлург» эса бешинчи тур учрашувини Термизда ўтказди. Улар меҳмонда уйнашларига қарамай, майдонга фақат галаба учун тушганликларини учрашувининг 9-дақиқасида рақибларига билдириб қўйдилар. Шундан кейин майдонда икки жамоа фақат ҳужумкор ўйин намойиш этди. 44-да-

тўлган ҳолда карвонбошлик қилаётган эдилар. Шунингдек, улар ўз дарвозаларидан ҳали биронта ҳам тўп ўтказиб юбормай, рақиблар дарвозасини ўн марта забт этган эдилар. Бу учрашувада мамлакат чемпиони ҳам галаба ҳаводек зарур эди. Улар майдонда ташаббусни қўлга олиб, 2:1 ҳисобига «Қизилқум»ни мағлуб этишга муваффақ бўлдилар. Чемпионатда иккинчи ўринда бораётган «Пахтакор» жамоаси Бухорода майдон эгалари билан учрашиб, 5:0 ҳисобида йирик галабани қўлга киритди ва ўз ҳисобидидаги очколар сонини 15га етказиб, жадвалда биринчи ўринга кўтариб олди. Қаршида майдон эгалари «Навбахор» билан куч синашдилар. Қизилқумнинг 9-дақиқасида рақибларига билдириб қўйдилар. Шундан кейин майдонда икки жамоа фақат ҳужумкор ўйин намойиш этди. 44-да-



қиқада Вали Келдиев «Металлург» жамоаси дарвозасини забт этиб, ҳисобни тенлаштиришга муваффақ бўлди. Танаффусдан сўнг ҳам майдонда кескин ва қизикарли курашлар давом этди. Лекин ҳисоб ўзгармади.

Турнинг марказий учрашуви Фарғонада бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг беш карра чемпиони «Қизилқум» жамоасини қабул қилди. Меҳмонлар тўрт учрашувада тўртта галабага эришиб, жадвалда 12 очко

даги натижалар қайд этилди. «Қўқон-1912» — «Машҳал» 3:1, «Зарафшон» — «Трактор» — 3:0, «Сўғдиёна» — «Самарканд» — 0:0. Чемпионатнинг навбатдаги олтинчи тур учрашувлари 20 апрель — шанба кuni бўлиб ўтди. «Дўстлик» Наманганда «Навбахор» билан баҳс юритишга, «Металлург» ўз майдонда «Нефтчи»ни қабул қилади. Турнинг марказий учрашуви эса Тошкентда «Пахтакор» ва «Қизилқум» ўртасида бўлади. **Талъат ЮСУПОВ.**

Чиноз туманидаги 2-ўрта мактаб томонидан 1998-97 ўқув йилида Ходжаев Фарҳод Тохирович номига берилган ОР-В 011030 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганини сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чиноз туманидаги 2-ўрта мактаб томонидан 1996-97 ўқув йилида Солиев Фурқат Тохирович номига берилган ОР-В 011030 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганини сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳри Мирзо Улўғбек туманидаги чекланган жамиятига тегишли думалоқ муҳр йўқолганини сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юнусов туманида рўйхатга олинган «TASHABBUS MV» МЧЖнинг думалоқ муҳри йўқолганини сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошлар тилга кирганда

сонлар унинг ишига зарар бермай, ҳаёти бир текисда ўтарди.

«Хавф» олмосини қирол хондонидан сотиб олган Чарльз, бриллиантнинг эиёниди қувват манбаи эканлигини эшитган, маълумотлар тўплаган, уларга ишонар ва оқибатдан кўрқар эди. Аммо, очқўзлик қилиб келиб бриллиантни ҳеч иккиланмай сотиб олди. Унинг таржимаи ҳолидан кўрқан Чарльз бриллиантни уйдаги сейфида қандай қўйган бўлса, жаҳоир ўша

бўлди.

Орадан икки йил ўтиб, бирдан Чарльзнинг ишлари орқага кета бошлади. Аввалда Британия туризмидан ажралди. Бразилиядан кофе келтирувчи қўшма компаниядаги акциялари қўлдан кетди. Бундан ҳолатдан кўриб кетган Чарльз дарҳол бриллиантни хотинининг буйинидан олиб, яна сейфга яширди. Фойдаси бўлмади, худди ўпирилган тўғондан сув ургандек, иши ўнганмади.

Каттик ваҳимага тушган Чарльз черковдан руҳонийни олиб келиб, бриллиантни «тозалатди» ва «Умид» деб ном қўйди. Аммо: бу тадбирлар ҳам наф бермади. Сал ўтмай, инглиз чўй ширкати аукционга қўйди. Картадан ҳам омад кетди. Айниқса, яқинда кунлари Виксонд Жонсоннинг ўида бўладиган ўйинларда бир вақтлар «Поккер пири» деб аталган Чарльз америкалик ишибилармон Франкелга ҳамма нарсасини ўтказиб қўйганини ўзи ҳам билмай қолди. Тонггача чўзилган ўйинда омади кетган Чарльз ўзининг «Умид»ини ҳам бой берди. Бир кечада барча бойлигидан ажраган банкир ўзини отиб қўйди. Чарльзнинг маъракалари ўтмай туриб, хотини Лолита ҳам ифлос Темза сувида чўкиб ўлди.

Химорда рақибининг барча мулкни ютиб олган америкалик Франкелга ҳам «Хавф» асқотмади. Тўрт йил ичиди ҳамма нарсасидан ажралди. Банкрот бўлган Франкелнинг мол-мулки кимовида савдосида сотилди. «Хавф» бриллиантини эса, бир юз қирқ минг фунт стерлингга ўттиз олти ёшли турк шаҳзодаси Абул Ҳамид сотиб олди.

«Дўстлик» ҳозирги кундаги асосий таркиби билан ҳаракат қилди.

Бирок танаффусга ҳисоб очилмади. Танаффусдан сўнг эса, ҳужумчилар, ярим ҳимоячилар ва ҳимоячилар меҳмонлар дарвозасини «Ўхқа тута» бошладилар. Ниҳоят 70-дақиқада Денис Гладков ҳисобини очди. Шундан сўнг ҳужумга янада зўр берилди. Николай Моисеевнинг берган зарбаси рақиблар дарвозаси тўсинами тегиб қайтди. Уни Мухтор Курбонов қабул қилиб олиб, узок масофадан дарвозага йўллади ва ҳисобни 2:0га етказди. «Дўстлик» очколар сонини 7га етказиб олди. Вилоятимизнинг иккинчи вакили «Металлург» эса бешинчи тур учрашувини Термизда ўтказди. Улар меҳмонда уйнашларига қарамай, майдонга фақат галаба учун тушганликларини учрашувининг 9-дақиқасида рақибларига билдириб қўйдилар. Шундан кейин майдонда икки жамоа фақат ҳужумкор ўйин намойиш этди. 44-да-

Аъзам АЗИМИЙ, техника фанлари доктори, профессор. (Давоми бор).

Бой берилган «УМИД»

Арзон баҳога қўлга киритилган бриллиантини маҳкам чангаллаб олган Чарльз қирол қасридан юриб эмас, учиб чиқиб, ёнига келиб тўхтаган экипажга ўзини урди.

— Қирғоқ бўйлаб ҳайда! — деб буюрди у кучерга.

У уйига кириши билан хотинини қўчиб, бугун қўлга киритган ўлжасини кўрсатди. Бриллиант шуъласидан лол бўлиб қолган Лолита жаҳоирни қўлга олиб, суқланиб томоша қилди.

— Бриллиантнинг шарқча номи «Хавф» — хатарли дмақдир. Тош кўпчиликнинг бошини еган, — хотинига тушунтирди у.

— Унда, била туриб, нега тошини уйга олиб келдинг? Банкдаги сейфинга элтиб қўй,



ган бриллиантини маҳкам чангаллаб олган Чарльз қирол қасридан юриб эмас, учиб чиқиб, ёнига келиб тўхтаган экипажга ўзини урди.

— Қирғоқ бўйлаб ҳайда! — деб буюрди у кучерга.

У уйига кириши билан хотинини қўчиб, бугун қўлга киритган ўлжасини кўрсатди. Бриллиант шуъласидан лол бўлиб қолган Лолита жаҳоирни қўлга олиб, суқланиб томоша қилди.

— Бриллиантнинг шарқча номи «Хавф» — хатарли дмақдир. Тош кўпчиликнинг бошини еган, — хотинига тушунтирди у.

— Унда, била туриб, нега тошини уйга олиб келдинг? Банкдаги сейфинга элтиб қўй,

(Давоми.) Боши ўтган сонларда).

СКАНВОРД

Чехия пун бирлиги		Қатқий қарор	Санда	Бексқчи Мухаммад Ананинг яши
Овтиқ асбоб	Олабуғасийла сеғич бағичи	Хариж аёто русуми	Миллат	Қўшқич Жексон
			Ава Русум	Галави
	Гулханний асар	Музекий нота		Табла дарёси цирмоғи
			Африка жағси дават	Гидротехник иншоот
Қуёв хўшоқи (юсон)			Бир меъйрада	Эстрада гуруҳи
Ўзадаликлар асар			Иркутск за яновчи халқ	Музекий нота
		Айриққ 10 (ғўшча)	Диакритик белги	Вайдо (исм)
Атмосферанинг шўроқ қатлами			Немонга ярашмас (маънос)	Ибо
Уни учув ятарақи				
Кетдиқ!	Товарнинг бағирлиғи			Хитоб шўмошгағи шахар

Акронжон ХУЖАМОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Шифофонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48
Эълонлар: 133-40-48, 136-56-29

Маълумият:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида тарихли ва саҳифаланди.

Бюртма Г-355. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Саҳифаловчи: Музаффар ҚУЧҚОРОВ.